

# **Иштирокчиларга қўйиладиган шартлар**

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисининг топшириғига кўра товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича шартномага асосан пулли асосда хизматлар кўрсатиш ҳукуқига эга бўлган юридик шахсdir.

Шартноманинг муҳим шартларини белгилаш ва шартномани имзолаш фақат давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

давлат харидларини ўтказиши ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган бир нафардан кам бўлмаган ходимга эга бўлиши;

махсус ахборот порталига уланиш имконини таъминловчи дастурий-техник воситаларга эга бўлиши.

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисидан харид тартиб-таомилларини ўтказиши ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун зарур ахборотни олиш ҳукуқига эга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ихтисослашган ташкилот:

давлат буюртмачисининг талабига биноан харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиши ташкил этишнинг исталган босқичида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши;

давлат харидларининг асосий принципларига риоя этган ҳолда хизматлар кўрсатиши;

давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг сўровига кўра Давлат харидлари тўғрисидаги қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

харид қилиш тартиб-таомилларининг инсофсиз иштирокчиларнинг давлат харидларида иштирок этишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриши;

ҳар бир давлат хариди учун харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиши ташкил этиш учун масъул бўлган шахсни белгилаши;

харид қилиш тартиб-таомилларини Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиши шарт.

Ихтисослашган ташкилот қўйидаги хизматларни кўрсатади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

Ишнинг, хизматнинг бажарадиган ғолиб ташкилот аниқлангунча қайта ҳақ талаб қилмай эълонларни жойлаштириш;

маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказади;

реклама ишларини ташкил этади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;

давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилининг турини таклиф қиласди;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимида ва махсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;

ғолиблар билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;

давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиласди;

харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш якунлари бўйича ҳисоботлар тузади;  
харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун таклифномалар юборилишини  
таъминлайди.

Ихтисослашган ташкилот ёки унинг аффилланган шахси ўзи ташкилотчи бўлган  
харид қилиш тартиб-таомилида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси сифатида  
қатнашиши мумкин эмас.

Давлат харидларининг амалга оширилиши чоғида ихтисослашган ташкилот  
томонидан Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари  
бузилган ҳолларда жавобгарлик давлат буортмачиси ва ихтисослашган ташкилот зиммасига  
юклатилади.

Танлов комиссияси раен:



РК

Б.Нурматов